

40 827678 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ
шитерниси, 30.11.2022

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Карши ў.

2022 йил

14.09

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейнги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30 декабрдаги 27-01-14/6031-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компанийнинг Кашикадарё филиали директори Ж.Бозоров (кейнги ўринларда – Оператор) бир томондан ва Ўзбектелеком номидан Устав (Низом, рўйхатга олингандаги тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи ООҶ “Ўзбектелеком” (кейнги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейнги ўринларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейнги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги Абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейнги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикканлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисидаги шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул килиши (акцептнин) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгилangan асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан холда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгилangan ҳукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз ҳукуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириши учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгилangan барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови 100 (бир юз) фоиз миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни хисобга олган холда) 900 000 (Чи то шин) сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда () миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиш ўйли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишини вақтинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олиши истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равиша блокировка килиши учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера кондлари билан тартибида солинади.

3.8. Оператордан бонулар кўринишидан реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки кайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдор кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (үн) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътироzlарини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътироzlари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этилгадиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгилangan тартибида, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгилangan мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибида ва миқдорларда жавобгар бўллади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиши ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал килиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлик масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибида қилинган холда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликлари ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисадий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал килиш даврида ўз ҳукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равиша Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишни тартибида солувчи қонун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар кандай чоралар

кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро хамкорлик юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал килиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳола ходисаларда (енги бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzonoma/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпич билан 30 (кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат та этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишида хабардор килинади.

7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофик белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал киласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20__ йил 31 декабрга кадар амал киласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришини давом этирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20^ю йил 31.03 кадар амал киласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептими (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганлиги хакидаги жавобини) билдиради.


7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва кўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклини ўзгариши ва бошقا ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришилар ва кўшимчалар киритилгана (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, хаккий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун бигта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p>ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АҚ Кашқадарё филиали Манзил: Кашқадарё вилояти Қарши шаҳар Бешкент йули 3 км</p> <p>Банк маълумотлари: х/р: 20 210 000 504 074 838 334; СТИР: 203 366 731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тел: 1155 Call марказ, 75 221-5300; E-mail: qashtel@uztelecom.uz, qashmarketing@uztelecom.uz;</p> <p>Оператор номидан: Директор  /имзо/ Ж.С.Бозоров М.ў.</p>	<p>АБОНЕНТ: <u>Вел. кўзи очи жеар кубубақосе</u> Манзил: <u>Чирбек кўласи 18 уй</u></p> <p>Банк маълумотлари: х/р: <u>1000 218 60 040 170 840 30 56 00 3</u> СТИР: <u>204 102 736</u> МФО: <u>000 14</u>; Банк номи: <u>Марказбанк</u> Тел: <u>225-42-48</u> E-mail: _____</p> <p>Абонент номидан:  /имзо/  Ф.И.О</p>
---	---

*Юрист Р. Раҳматуллаев
16.01.2022
Раҳматуллаев*



2022 йил “16” 01
—сонли абонент шартномасига
1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
1.2	Бир марталик тўлов			Нархнома	
1.3	Бир марталик тўлов			Нархнома	
II. Ҳар ойлик абонент тўловлари					
2.1	Ойлик тўлов			Нархнома	<u>300 000.</u>
2.2	Ойлик тўлов			Нархнома	
2.3	Ойлик тўлов			Нархнома	
2.4	Ойлик тўлов			Нархнома	
2.5	Ойлик тўлов			Нархнома	
Жами (олдиндан тўлов)					<u>300 000.</u>

Жами олдиндан тўлов миқдори 300 000 (н 000 симон сур) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 900 000 (Гўрикоз н 000 симон) сўмни ташкил этади. Ундан 300 000 (н 000 симон) сўм миқдорида ойлик абонент тўлови ҳамда (н 000 симон) сўм бир маротабалик _____ технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АҚ
Қашқадарё филиали

АБОНЕНТ:
Кўнгли омзасер Қўйғуқонов

Оператор номидан:

Абонент номидан:

Директор _____
/имзо/
м.ў.

